

4326472



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KOSONSOY MOHIR USTALARI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KOSONSOY MOHIR USTALARI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.07.2021

1020305

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308736880

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Kosonsoy tumani, Kosonsoy, A.Navoiy MFY, Qadriyat
ko'chasi.,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Kosonsoy tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 142559 на приобретение 22-сонли дими биносини жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 31.08.2022

Время рассмотрения 31.08.2022 11:58

Конкурсная комиссия Косонсой туманидаги 22-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	JALOLXONOV JAVLONXON MAXAMADIXONOVICH	директор	22-дими
Секретарь комиссии	RAXIMOVA FOTIMA TUYCHIEVNA	бош хисобчи	22- дими/2
Член комиссии	DADAXONOV MANSURXON MAQSUMOVICH	коровул	22- дими/1
Член комиссии	ABDULLAYEV INOMJON MAKSUDJONOVICH	запхоз	22- дими/3
Член комиссии	USTABAYEV MAXSUDJON KENJAYEVICH	уктувчи	22- дими/4
Член комиссии	SULTONOV SOBITXON SOBIRXONOVICH	кассир	22- дими/5

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.08.2022 года № лота 142559.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	сифатли
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	129 871 000.00
Стартовая сумма	129 871 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 охирги 1-ойлик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUYUK SAID STROY MSHJ	10	129870000	9	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	10	128871000	10	Экспертная		

Критерий №2 шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUYUK SAID STROY MCHJ	10	129870000	9	Экспертная		
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	10	128871000	10	Экспертная		

Критерий №3 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUYUK SAID STROY MCHJ	10	129870000	9	Экспертная		
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	10	128871000	10	Экспертная		

Критерий №4 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUYUK SAID STROY MCHJ	10	129870000	9	Экспертная		
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	10	128871000	10	Экспертная		

Критерий №5 шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUYUK SAID STROY MCHJ	10	129870000	9	Экспертная		
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	10	128871000	10	Экспертная		

Критерий №6 ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUYUK SAID STROY MCHJ	10	129870000	9	Экспертная		
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	10	128871000	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
BUYUK SAID STROY MCHJ	129 871 000.00	129 871 000.00 UZS	129 871 000.00	00.00	129 871 000.00	30.08.2022 21:57:45	10.00
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	129 871 000.00	129 871 000.00 UZS	129 871 000.00	00.00	129 871 000.00	30.08.2022 22:05:26	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
BUYUK SAID STROY MCHJ	81	10	91
MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI	90	10	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 142559 от 31.08.2022 года на приобретение 22-сонли дими биносини жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI
308736880

и резервный исполнитель: BUYUK SAID STROY MCHJ (306504404)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель	JALOLXONOV JAVLONXON MAXAMADIXONOVICH	Согласен	

КОМИССИИ			
Член комиссии	DADAXONOV MANSURXON MAQSUMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV INOMJON MAKSUDJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	USTABAYEV MAXSUDJON KENJAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SULTONOV SOBITXON SOBIRXONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИКЛАЙМАН"

КОСОНСОЙ ТУМАНИДАГИ 22-СОНЛИ
ДИМИ ДИРЕКТОРИ

Ж.ЖАЛОЛХОНОВ

"25" май 2022 г

НУКСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ


КОСОНСОЙ ТУМАН 45-СОНЛИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДТМ НИ


Бизлар ким куйида имзо чекиб далолатнома тузувчилар Косонсой туманидаги 22-сонли ДИМИ бош хисобчиси Ф.Рахимова, укув ишлари буйича директор уринбосари А.Абдуллаев, хужалик ишлар мудири И.Абдуллаев, коровул М.Дадахонов


шу ҳақдаким Косонсой туманидаги 22 сонли ДИМИ ни биноларини жорий таъмирлаш учун ҳолатини урганиб чиқилди ва куйидаги таъмирлаш ишларини бажариш лозимлиги аниқланди.


№№	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОЛ-ВО
1	2	3	4
УЧЕБНЫЙ БЛОК			
1	СНЯТИЕ ДВЕРНЫХ ПОЛОТЕН	100M2	0,3381
2	УСТАНОВКА БЛОКОВ АЛЮМИНИЕВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 M2	100M2	0,3381
4	ОТБИВКА ШТУКАТУРКИ С ПОВЕРХНОСТЕЙ ОТКОСОВ КИРПИЧНЫХ	100M2	0,1414
5	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100M2	0,1414
6	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100M2	0,1414
ОБЩЕЖИТЬЕ			
7	СНЯТИЕ ДВЕРНЫХ ПОЛОТЕН	100M2	0,5475
8	УСТАНОВКА БЛОКОВ АЛЮМИНИЕВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 M2	100M2	0,0819
9	УСТАНОВКА БЛОКОВ АЛЮМИНИЕВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА БОЛЕЕ 3 M2	100M2	0,4556
11	СНЯТИЕ ОКОННЫХ ПЕРЕПЛЕТОВ: ОСТЕКЛЕННЫХ	100M2	0,4912
12	УСТАНОВКА ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ПВХ ПРОФИЛЕЙ: ГЛУХИХ С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА БОЛЕЕ 2 M2	100M2	0,4912
14	УСТАНОВКА ПОДОКОННЫХ ДОСОК ИЗ ПВХ И МДФ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ТОЛЩИНОЙ ДО 0,51 М.	100M	0,12
15	УСТРОЙСТВО МЕЛКИХ ПОКРЫТИЙ ПОДОКОННЫХ СВЕСОВ ИЗ ЛИСТОВОЙ ОЦИНКОВАННОЙ СТАЛИ	100M2	0,052
16	ОТБИВКА ШТУКАТУРКИ С ПОВЕРХНОСТЕЙ ОТКОСОВ КИРПИЧНЫХ	100M2	0,306
17	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100M2	0,306
18	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100M2	0,306
БИБЛИОТЕКА			
19	СНЯТИЕ ОКОННЫХ ПЕРЕПЛЕТОВ: ОСТЕКЛЕННЫХ	100M2	0,072

20	УСТАНОВКА ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ПВХ ПРОФИЛЕЙ: ГЛУХИХ С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 2 М2	100М2	0,0504
21	УСТАНОВКА ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ПВХ ПРОФИЛЕЙ: ГЛУХИХ С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА БОЛЕЕ 2 М2	100М2	0,0216
23	УСТАНОВКА ПОДОКОННЫХ ДОСОК ИЗ ПВХ И МДФ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ТОЛЩИНОЙ ДО 0,51 М.	100М	0,052
24	УСТРОЙСТВО МЕЛКИХ ПОКРЫТИЙ ПОДОКОННЫХ СВЕСОВ ИЗ ЛИСТОВОЙ ОЦИНКОВАННОЙ СТАЛИ	100М2	0,024
25	ОТБИВКА ШТУКАТУРКИ С ПОВЕРХНОСТЕЙ ОТКОСОВ КИРПИЧНЫХ	100М2	0,0336
26	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100М2	0,0336
27	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100М2	0,0336
КОРОВУЛХОНА			
28	СНЯТИЕ ДВЕРНЫХ ПОЛОТЕН	100М2	0,0189
29	УСТАНОВКА БЛОКОВ АЛЮМИНИЕВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100М2	0,0189
31	СНЯТИЕ ОКОННЫХ ПЕРЕПЛЕТОВ: ОСТЕКЛЕННЫХ	100М2	0,024
32	УСТАНОВКА ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ПВХ ПРОФИЛЕЙ: ГЛУХИХ С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА БОЛЕЕ 2 М2	100М2	0,024
34	УСТАНОВКА ПОДОКОННЫХ ДОСОК ИЗ ПВХ И МДФ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ТОЛЩИНОЙ ДО 0,51 М.	100М	0,013
35	УСТРОЙСТВО МЕЛКИХ ПОКРЫТИЙ ПОДОКОННЫХ СВЕСОВ ИЗ ЛИСТОВОЙ ОЦИНКОВАННОЙ СТАЛИ	100М2	0,006
36	ОТБИВКА ШТУКАТУРКИ С ПОВЕРХНОСТЕЙ ОТКОСОВ КИРПИЧНЫХ	100М2	0,0206
37	ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКОННЫХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100М2	0,0206
38	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100М2	0,0206

 Ф.АБДУЛЛАЕВ

 Ф.РАХИМОВА

 И.АБДУЛЛАЕВ

 М.ДАДАХОНОВ

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган 22-сонли Давлат ихтисослаштирилган мактаб итнтернати номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Ж.Жалолхонов** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «**MCHJ KOSONSOY MOHIR USTALARI**» номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари **Х.Бобохонова** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйдагилар хақида туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига (таъмирлаш) ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома буйича буюртмачини муассасидаги спорт майдонини мукамал таъмирлаш ишларини лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **129 871 000 (Бир юз йиғирма туккиз миллион саккиз юз етмиш бир минг)** сўми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлашга) қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш(таъмирлашга) муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда сметага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

сметага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш (таъмирлаш)таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшашиш;

қурилиш (таъмирлаш)майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича аванс тулови ўтказилган кундан бошлаб ишларни бажариш ва топшириш 30-иш кунигача амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказида, бу **38 961 300 (Уттиз саккиз миллион тўққиз юз олти миш бир минг уч юз)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг қолган 70 фоизи миқдорида бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

19. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилишган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

20. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

21. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

22. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

23. Агар енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

24. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

25. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин,

шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

26. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

27. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

28. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. КАФОЛАТЛАР

29. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

30. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

31. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

. VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

Шартнома ғазначиликдан руйхатдан утказилгандан сунг кучга қиради ва 2022 йил « 31 » декабр гача амал қилади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

KOSONSOY MOHIR USTALARI MCHJ	
Манзил	Косонсой т.А.Навоний МФЙ
Тел/факс	
Х.Р	20208000405420825001
Банк номи	Микрокредит банк АТБ Косонсой ф.
	(хизмат курсатувчи банк номи)
МФӨ: 01049	СТ.ИР: 308736880
Раҳбар	Х.Бобохонова



Косонсой т. 22-сонли ДИМИ	
Манзил	Косонсой т Олмазор массиви
Ш.х.в	100021860142077092300075002
Бюджет ташкилоти	СТИРи 206818743
ОКОНХ	92310
	Молия Вазирлиги Гозначилиги
Газна х/в	23402000300100001010
Банк номи	Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО: 00014	ИНН: 201122919
Раҳбар	Ж.Жалолхонов



Мазкур шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003 йилги 395-сон Қарори 3-иловасига асосан ишлаб чиқилган ва Фуқаролик Кодексининг ҳужалик шартномалари ҳақидаги умумий қоидалари 353-354 моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.98 йилдаги №670-1 «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг V-булим 31,32,34, моддаларининг талабларига жавоб беради.



Юрист *Б.Томанов*
лиц № 244